



Елкасига пахталик нимча ташлаган дотсент Обидович, ёниб бўлган ўт чўгида кўмилган картошкаларни учи корайиб куйган косов билан кавлаб, тинмай сигарета чекади. Чўг тафтидан юзлари кизариб кетган бу салобатли, катта одамнинг каршисида ийманиб, орик кўлларини ковуштириб, йигирма ёшлардаги мўйловли йигит — Рахимжонов ўтирибди. Хамиша талабалар даврасида бўладиган Обидовичнинг бугун ёлғиз, мунис ўтириши Рахимжоновни ажаблантирди. Пешонаси тиришиб, устма-уст сигарета чекаётганларини кўриб эса домланинг кайфияти ёмон, жуда ёмон, деган хулосага келди. У, Обидовичнинг олдида тортиниб, кўзларини пирпиратиб, кобиги корайиб куюётган картошкаларга тикилиб ўтирди. Обидович хар канча чекмасин, бари-бир кечадан буён кийнаётган туйгулардан кутулолмади. Эх, хаёт берахмдир, берахм, деди ичида.. Ўзига, колаверса, Рахимжоновга завк багишлайдиган бирор кизик гап ўйлади, тополмади. Кечаги ёмгирдан хўл пахтазорга каради. Хўрсиниб, бош иргаб кўйди. Туриб, лабига янги сигарета кистирди-да, пахтазор оралаб кетди. Бир чангал пахта териб яна кайтиб кедди. Кафтидаги оппок толаларда йилтираётган ёмгирнинг охириги томчиларига, сўнг шийпон олдида ўсма кўйиб ўтирган кизларга каради.

— Кўряпсанми кизларнинг ўсма кўйишини. Ўсмани ўзлари учун кўяди, деб ўйлайсанми? Йў-ўк, сен

учун, хаммаси сен учун, йигитлар учун. Хаёт шунака, гўзал... — деди.

Рахимжонов дотсент Обидовичнинг гапидан завкланиб кетди. Уялган боладай бошини чапга сал кийшайтириб, тобора корайиб бораётган чўкка тикилганича жилмайди. Буни кўрган ва хис килган Обидович унга биргина бўлсаям завк бера олганидан кувониб, кулимсйради. Хали ювилмаган бир пакир картошка кўтариб ошхонага бораётган йигитга:

— Миркарим, болаларни кечаги жойга олиб бор, энди терса бўлади, — деди.

Йигит хўл кўлини олдига тутиб олган этакка артиб, хўп, деди-да, йўлида давом этди.

— Сен, Рахимжонов ука, колгин, иш бор.

Талабалар бир-бирларини кувлашиб оппок далаларга

караб кетдилар. Обидович шошмасдан картошкаларни арчиб, мис товокка солди.

— Хў-ўш, калай, зерикмаяпсанми, ишкилиб?

— Йўг-е, домлажон, келганимизга бор-йўги уч кун бўлди-ю.

— Кеча канча тердинг?

— Ўн беш кило.

— Маза йўк-ку. Болалар икки юз, юз килолаб терибди.

— Биза, энди, домлажон, пахта териб кўрмаганмиз-де...

— Ха, майли. Кўлдан келганича териш керак. Укаларинг кўпми? Опаларинг...

— Тўртта укам бор. Опамла хаммаси эрга чикиб кетишган.

— Уйланганмисан? Йўк? Ха, яхши, хали биринчи курссан. Анча огир бўлади. Ма, картошкани е.

— Йўқ, раҳмат, домлажон. Жа-а, тўйиб турибман, ўзийиз энг, раҳмат.

— Олсанг-чи, хаммамиз ҳам тўйиб турибмиз. Бу ширин бўлади, ол.

Раҳимжонов бир кўлини кўксига кўйиб, Обидовичнинг кўлидан картошкани олди. Обидович йигитга ачиниш билан каради. Жуда раҳми келди унга. Картошкага туз сепаётиб, кўнглига: «Болалар... Укаларимга карайман, деб бу хали ўқишни ташлаб кетмасайди», деган гап келди. Хозир бор гапни айтмоқчи, кеча штабдан олиб келган телеграммани кўрсатмоқчи бўлди. «Хозир айтсам. Бу хали бола бўлса. Бирдан миясига та'сир килса... кейин нима бўлади?» У ўйлаб-ўйлаб, бу гапни хозир айтмасликка қарор килди. Яна ўйлаб ўтириб, умуман, айтмайман, деган хулосага келди. Схунда Обидович онаси бечорани эслаб, кўнгли бузилиб кетди. Ўрнидан кескин туриб, сигарета чека бошлади. Кичкина кўк автобусга ишора қилиб, бирор иш буюрилишини кутиб турган Раҳимжоновга:

— Этакларни колдириб, машинага чик. Бир жойга бориб келасан, — деди.

Раҳимжонов, Обидович кутгандан ҳам эртарок автобусга чиқди. Иккалови ёнма-ён ўртарокдаги ўриндикка ўтирди. Обидович автобуснинг очик деразасига тирсагини кўйиб, йўл четдаги пахтазорга қараб кетди. Ўзини қанча бошқа фикрлар билан овутмасин, бари-бир онаси кўз олдидан кетмади... Обидовичнинг томогига бир нарса тикилгандек бўлди, қириниб йўталди, кўзларига ёш келганини билмай колди.

Киссасидан рўмолчасини олиб, шунчаки юзларини артаётган кишидай кўз ёшларини артди.

Раён марказидаги автобус бекатига тушдилар. Раҳимжонов устма-уст сигарета чекаётган Обидовичга эргашиб кетаверди. Схухарга борадиган автобусни суриштирдилар: яна икки соатдан кейин келар экан. Улар бир четдаги узун ўтиргичга ўтирдилар. Обидович айтмасликнинг ҳеч иложини тополмади. Охири айтишга мажбур бўлди:

— Ука, бу дунё шунақа бевафо экан, — деди у

хўрсиниб. Бирок сўзини давом эттирмай, хотиржамлик

билан ўчиб қолган сигаретасини яна ёндирди. Жуда

сийрақлаб қолган сочларини орқага силаб, гапини давом эттирди: — Ука, дунё бевафо экан. Онамиз бечорани эсласам, юрак-бағрим эзилиб кетади. Аммо одам бўлиш фақат онага боглик эмас экан. Бир шоирнинг гапи борку, она бўла қолгин, менга табиат, дейди.

Схундаин, мана, онасиз ўсдик. Замон, табиатнинг ўзи тарбиялади. Табиат бизга она бўлди. Кеча де, Раҳимжонов деган фамилияга бир телеграмма келди. Сенгами,

бошкагами, аниқ эмас. Хар холда сенга бўлмаса керак, чунки телеграммада исминг йўқ.

Иккинчидан, меҳматда ҳам шунақа бола бор экан. Чамаси, ўшанга бўлса керак

телеграмма. У болани уйига юбордик. Хар ходда сен ҳам уйингга бир бориб кел-чи...

Ишонаманки, сенга эмас бу телеграмма.

Обидович ён чўнтагидан телеграммани олиб унга узатди. Сўнг, гўё осмонга қараб

сигарета чекаётгандай, кўз остида Раҳимжоновни кузатди. Раҳимжонов

телеграммадаги, тез етиб кел... онанг вафот этди, деган -сўзларга анграйиб қараб

турди. Кўзлари пирпираб, ерда тўнтарилиб, ўзини ўнглолмай, жажжи оёқларини

кимирлатаётган чумолига тикилганича ўйлаб қолди. Сху холича сўзсиз, узок ўтирди.

Халиям кузатиб ўтирган Обидович: «Схухарлик болалар енгилтабиат бўларди. Бу жуда иродали экан, кўзларидан ақалли бир томчи ёш чиқмади-я», деб ўйлади. Обидович,

Раҳимжоновнинг сочларини силаб:

— Хўп, хайр, яхши етиб боргин... — деди.

Автобус томонга кетаётиб, оркасига бир кайрилиб каради-да, яна кайтиб келди.

— Нима, Рахимжонов ука, буёкдаги нарсаларингдан ташвишланмасангам бўлади. Курсдошларингга тайинлаб кўяман, хўпми? — деди бошини иргаб ва бутунлай кетди. Автобус кетди. Рахимжонов курсдошлари пахта тераётган олис далаларга кетаётган автобуснинг орка ойнасидан унга гамгин термилиб ўтирган Обидовичга каради. Автобус кўринмай кетгандан кейин ўрнидан туриб, касса атрофини узун таёкка супурги боглаб, чанг чикармаслик учун авайлаб супураётган чолдан, шахарга кандай килиб телефон килишни сўради. Чол супуришдан тўхтаб, огзидаги носни тўда-кўким ичига туфлаб, шахар телеграфининг каердалигини узок тушунтирди. Рахимжонов чол айтган телеграфни излаб топди. Телеграммани кўрсатиб, отасининг иш жойидаги телефон ракамларини айтди. Икки кулогига ҳам телефон трубкасини тутиб турган лаблари кип-кизил кизга нажот истаб, ёлворувчи охангда бош эгиб, караб турди. Киз бу йигитнинг рухиятига тушунди. Тезда унга айтган ракамларини олиб бериб, иккинчи хонага югуринг, деди. Рахимжонов иккинчи хонага кириб, турбкани олди:

— Ада? Сизмисиз? Ман, Ақромжонман. А? Ха, келди. Жа-а, вахима килиб ёзибсиз, касал десайиз ҳам бўливорарди. А? Ха, машина юборинг. Самарканд автостантсияси бор-ку, ўшатга келиб турсин. Хўп, хайр, хўп...

Рахимжонов телеграфдан чикиб буфетга караб юрди. Буфетдан тамадди килиб чикканда окшом туша бошлаган, жафокаш дехкон кузининг олтин бир куни тугаётган эди...

1967 йил